O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 9-iyun • Seshanba • 69 (30.030) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**«Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият кудратли кучга айланади».**

## ҲАЁТ ЙЎЛИДА БИРИНЧИ МАСАЛА–МАКТАБ МАСАЛАСИДИР

***Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳридаги 21-мактабнинг нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам ўз ўрни ва нуфузи бор. Бу ерда таълим олган, Ватан, миллат тақдирида муҳим ўрин тутган битирувчилар билан мактаб жамоаси ҳақли равишда фахрланади.***

*— Мактабимизда 1547 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади, — дейди директор Сайёра Меликова. — Уларга 74 та ўқитувчи илм-фан сирларини ўргатмоқда. Шулардан 4 таси олий тоифали, 25 таси 1-тоифали, 40 таси 2-тоифали, 5 таси мутахассислардир.*

*Охирги уч йилда мактаб битирувчиларининг ҳаммаси академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишларини давом эттирмоқдалар.*

*Мактабимизда кўплаб фан тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўқувчиларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.*








*2007 йилда мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. Физика, химия, биология фанлари, лаборатория хоналари барча асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди.*

*Ҳар бир мактаб ўқувчиси ўз юрти, маҳалласи тарихини билиши лозим. Ана шу мақсадда республика миқёсида ўтказилган «Маҳалламиз тарихини ўрганамиз» танловида 21-мактаб ўқувчилари ҳам қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгалладилар.*

*— 2008-2009 ўқув йилида шаҳар олимпиада босқичида мактабимизнинг 16 нафар ўқувчиси 1, 2, 3-ўринларни қўлга киритди, — дейди мактаб ўқитувчиси Гулсум Мухторова. — Икки нафари эса вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.*

*Бугун юртимиздаги барча мактабларда сўнгги қўнғироқ чалиниб, битирувчилар учун давлат имтиҳонлари бўлиб ўтмоқда. Фидойи муаллимлар эса оловқалб ўғил-қизларимизга катта ҳаёт йўлини кўрсатиш билан бирга, Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчини унутмасликларини уқтирмоқдалар.*

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

---

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда**

**Пойтахтимизда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлар бўйича республика олимпиадаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу беллашув Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.**

## УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАР ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБЛАРИ

Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандлик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири F.Шоумаров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқитиш сифати ва мазмунини янги поғонага кўтариш, иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақобатбардош ва малакали кадрлар билан таъминлашнинг изчил механизми яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўқувчи-ёшларга пухта билим бериш баробарида иқтидорли ёшларни ўз вақтида аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда. Ёшларнинг қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишда турли фан олимпиадалари, кўрик-танловларнинг ўрни ва аҳамияти ғоят катта.

Фан олимпиадасининг якуний — республика босқичида салкам тўрт юз қирқ нафар ўқувчи иштирок этди ва уларнинг эллик олти нафарига ғолиблик насиб этди. Олимпиадада Бухоро, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ўқувчилари, айниқса, яхши кўрсаткичларга эришди.

Маҳфуза Тўхтаева — улардан бири. Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги 95-ихтисослаштирилган мактаб битирувчиси бўлган Маҳфуза биология бўйича биринчи ўринга лойиқ топилди. Олимпиадада ғолиб чиққан барча тенгқурлари каби у ҳам энди олий таълим даргоҳига тест-синовларисиз кириш имкониятига эга бўлди.

Тадбирда умумтаълим фанлар бўйича республика олимпиадаси ғолибларига совринлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

**Фракция фаолияти**

## ТАЛАБАЛАР ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг қонуний асослари билан яқиндан танишдилар, ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар**

Ўсиб-улғайиб, эртанги ҳаётга дадил кириб келаётган йигит-қизлар учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти билан чуқур танишиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Ана шуларни ҳисобга олиб, Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Юртимизда ва дунёда бўлаётган ўзгаришлар, ислоҳотларнинг бориши, унда шунингдек, ёшларнинг иштироки масалаларига бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.



Бу галги тадбир аввалгиларидан бошқача шаклда ташкил этилди. Институтнинг бир гуруҳ талабалари парламент қуйи палатасига ташриф буюрди. Бу ерда Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида илгари сурилган фикрлар, ғоялар, бутун жаҳон халқлари олдида турган глобал муаммоларни ечишга оид мулоҳазаларни ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов масаланинг долзарблиги ҳақида тўхталар экан, эртанги кун эгалари бу жараёнларни чуқур ўрганиши ва мамлакатимизда юз бераётган тарихий ўзгаришларда онгли, масъулият билан, фаол қатнашиши зарурлигига эътиборни қаратди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисод фанлари доктори, профессор Шарбат Абдуллаева жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий танглик, унинг келиб чиқиш сабаблари ва Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатлари олдини олиш, юмшатишга асос бўлган омиллар ҳақида батафсил фикр юритди. Ўртада қизғин фикр алмашувлар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**Савол: — Инқироз шароитида ижтимоий масалалар янада долзарб аҳамиятга эга бўлади. Инқирозга қарши чораларнинг амалга оширилишида, қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда бу қанчалик даражада эътиборга олинмоқда?**

**Жавоб:** — Эътибор қаратадиган бўлсак, ижтимоий соҳа мамлакатимиз сиёсатида ҳар доим устувор аҳамият касб этган.

> **Ж**аҳонда кечаётган инқироз шароитида ҳам, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ижтимоий дастурларни молиялаштириш қисқартирилаётган бир шароитда ҳам Ўзбекистонда ижтимоий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. !

Инқирозга қарши чоралар дастурининг энг аҳамиятли жиҳати ҳам унда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилганидадир.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш, сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган аниқ вазифалар белгиланган. Буларнинг барчаси замирида ижтимоий масалалар ётибди.

*(Давоми 2-бетда)*

---

**Огоҳлик**

## МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД — МИЛЛАТГА ТАҲДИД

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларимизда миллий маънавий туйғуларни тарбиялаш ва уларни турли зарарли оқимлардан асраш давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ёш авлодни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш, уларнинг қалби ва онгида мафкура иммунитетини кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, истеъдодини намоён этиши, Ватанига хизмат қилиши борасида яратилган барча шарт-шароитлар ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Маънавий жасорат — энг буюк жасорат" мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирда ана шулар ҳақида сўз борди.

Ҳарбий олий таълим муассасалари курсантлари, офицерлар ва аскарлар иштирок этган тадбир ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини ошириш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашда уларнинг ижтимоий-сиёсий соҳадаги билимини, айниқса, маънавиятини бойитиш масалаларига бағишланди. Маънавий таҳдидлар, мамлакатимиз тинчлигига хавф солиши мумкин бўлган ғоялар ва оқимлар ҳақида маълумотлар берилди. Ёшлар мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш билан бирга, халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий оламини ахборот хуружларидан сақлаш ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

---

**Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида шу йилнинг 4-7 июнь кунлари «Тошкент халқаро суғурта форуми» бўлиб ўтди**

## СУҒУРТА БОЗОРИ

Ушбу халқаро форум Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва «Kapital Sug`urta» суғурта компанияси, «SAIPRO» компанияси ҳамда Ўзбекистон Суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Халқаро форумда қатор маҳаллий ва хорижий суғурта, қайта суғурта қилиш компаниялари, брокерлик ташкилотлари топ-менежерлари, вазирлик ва идоралар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, хорижий суғурта бозорини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар, миллий ва хорижий ассоциациялар, инвестицион ҳамда аудиторлик компаниялари раҳбарлари қатнашдилар.

Анжуманда 15 дан ортиқ мамлакатлардан суғурта бизнеси вакиллари, шунингдек, 200 нафардан ортиқ суғурта топ-менежерлари ва экспертлари иштирок этишди.

Халқаро анжуманда республикамиз суғурта бозори жадал суръатларда, барқарор ривожланаётгани, унинг сифат кўрсаткичлари ошиб бораётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Дарҳақиқат, республикамизда суғурта операциялари ҳажми муттасил ўсиб боряпти. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тадбир давомида хорижликлар республикамиздаги суғуртанинг инвестицион имкониятлари билан яқиндан танишдилар. Икки кун давомида қатнашчилар секцияларга бўлиниб, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Марказий Осиё минтақасининг суғурта бозорини халқаро суғурта ҳамжамияти билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш имкониятларини атрофлича ўргандилар.

Маълумки, «Тошкент Халқаро Суғурта форуми» интерактив мулоқот майдонини ҳозирлаш орқали суғурта бизнесининг миллий ва хорижий вакиллари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди.

*(Давоми 2-бетда)*

---

**Муҳим масала**

• **ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ** 2



• **ҒАЛЛАГА ЎРОҚ ТУШДИ** 3



• **«САЛОМАТ БЎЛИНГ БИРОДАР...»** 4



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ТАЛАБАЛАР ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Савол: —Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли, айниқса, ташқи қарзлари кўп мамлакатлар оғир аҳволга тушиб қолиши табиий. Мамлакатимизнинг ташқи қарзи қанча ва тўлов қобилияти қандай?**

**Жавоб:** — Бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқада бўлган ҳар бир давлатда ташқи қарзлар бўлиши табиий. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан жуда кам миқдорни ташкил этади ва у йилдан-йилга камайиб боряпти. ЯИМ ҳажми эса йил сайин ошиб бормоқда. Халқаро валюта жамғармаси, мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари 2009 йилда ЯИМ 7-8 фоиз ўсишини тахмин қилмоқда. Хулоса қилиш мумкинки, ташқи қарз билан боғлиқ мамлакатимизнинг жиддий муаммоси йўқ. Тўлов қобилияти, потенциали юқори. Валюта, олтин захираси етарли. Шунинг учун ҳам хорижий мамлакатларнинг юртимизга инвестиция киритишга қизиқиши янада ортмоқда.

**Савол: — Парламент қуйи палатаси асосан қонунлар қабул қилиш билан шуғулланади. Аммо қонунларни қабул қилиш қанчалик зарурат бўлса, уларнинг ижро этилиши ҳам шунчалик муҳимдир. Бу борада Қонунчилик палатаси қандай таъсир кучига эга?**

**Жавоб:** —Аввало, парламент қуйи палатасида ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган, амалиёт учун зарур бўлган қонунлар устида иш олиб борилаётганини таъкидлаш зарур. Қонунлардан фуқаролар манфаатдор бўлса, уларнинг ишлашида муаммолар кам бўлади. Бундан ташқари, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти ҳам



мавжуд. Яъни, биз қонунларнинг бажарилиши юзасидан назорат-таҳлил ишларини амалга оширамиз. Минтақаларда, турли вазирлик, идораларда қонунларнинг ижро этилиши ҳолатини ўрганиб, амалиётда юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга ўз хулосаларимиз, таклифларимизни бериб борамиз.

**Савол: — Дунёда инқироз аввало банклардан бошланди. Ҳатто жаҳоннинг кўпгина йирик банклари ҳам бунга бардош беролмай, ходимларини қисқартирмоқда, барқарорлигини йўқотмоқда. Ўзбекистонда ҳам банкларнинг инқирозга бардош беролмай қолиш эҳтимоли борми?**

**Жавоб:** — Бугунги кунда Ўзбекистонда 29 та тижорат банки фаолият олиб бормоқда. Банкларимизда бундай ташвишли ҳолат йўқ. Чунки давлатимиз томонидан банкларнинг капиталлашувини ошириш, тўлов қобилияти ва ликвидлигини мустаҳкамлаш борасида изчил тадбирлар амалга оширилди. Тегишли халқаро молия муассасалари томонидан мамлакатимизнинг қатор банклари барқарор ривожланаётган банк, деб эътироф этилди. Уларга қўйилаётган фуқаролар омонатларининг қайтарилиши давлат томонидан тўлиқ кафолатланади. Банк, молия, пул-кредит сиёсатининг самарали амалга оширилаётгани бундай хавф-хатарнинг олдини олмоқда...

Шунингдек, талабалар яна кўплаб саволлар билан қизиқдилар. Уларнинг барчасига етарли жавоб олгач, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Қўмиталар, фракцияларнинг ишлаш шароитлари, ялпи мажлислар ўтадиган зал уларда катта қизиқиш уйғотди.

— Биз дарсларда мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимияти фаолиятини ўрганганмиз, — дейди талаба Нурали Пардаев. — Аммо жойига келиб кўриш, депутатлар билан бевосита мулоқотда бўлиш бошқача таассурот қолдиради кишида. Депутатлардан ўзимизни анчадан буён ўйлантириб юрган кўплаб саволларимизга жавоблар олганимиз ҳам фақат фойдали бўлди.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.**

# СУҒУРТА БОЗОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бинобарин, форумда Ўзбекистондаги суғурта компанияларининг бугунги иқтисодий инқироз шароитидаги фаолияти хорижий мутахассислар томонидан: «Ўрганса арзийдиган жиҳатлари кўп», дея баҳоланишининг боиси ҳам шунда.

Маълумки, «Salpro» суғурта компанияси ва Ўзбекистон Суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси ҳамкорликда «Олтин соябон» мукофотини таъсис этган. Зеро, суғурта форуми доирасида «Олтин соябон»нинг бир гуруҳ ғолиблари тақдирландилар.

2009 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра республика суғурта хизматлари бозорида 30 та суғурта компанияси, 1 та қайта суғурталаш компанияси, 3 та суғурта брокерлари, битта актуар ташкилот ва суғурта ассистанси хизматлари кўрсатувчи 5 та компаниялари қатнашмоқда. Суғурта компанияларидан 29 таси умумий суғурталаш (non-life insurance) тармоғида ва 1 та компания ҳаётни суғурталаш (Life insurance) тармоғида фаолият кўрсатаётир. 2008 йил давомида суғурта компаниялари томонидан умумий миқдори 87,1 миллиард сўмлик ялпи мукофот йиғилди, Бу 2007 йилга нисбатан 18,3 фоизга кўпдир. Ўтган йили якунлари бўйича 14,2 миллиард сўмлик суғурта тўловлари амалга оширилди. Бу 2007 йилга нисбатан 62,9 фоизга кўп, яъни суғурта тўловлари 3 баробардан ортиқ ўсганини кўрсатяпти.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎзХДП ҳаёти

# ФАОЛЛИКНИ ОШИРСАККИНА КЎЗЛАГАН МАҚСАДГА ЭРИШАМИЗ

## дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Марғилон ва Навоий шаҳар ташкилотларининг конференцияларида

Ўтган беш йиллик фаолият сарҳисоби ва галдаги муҳим вазифалар ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгаши конференциясида атрофлича муҳокама этилди.

— Бугуннинг долзарб масаласи жаҳонда рўй бераётган иқтисодий бўҳрон шароитида Ўзбекистон тутаётган йўл ва бу жараёнда асосан нималарга эътибор қаратилаётгани ҳақида партиядошларимиз орқали ҳар бир фуқарога етказишдир, — деди шаҳар партия кенгаши раиси Муҳаммаднўъмон Эгамбердиев. — Бунда Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари бизга қўлланма бўлиб хизмат қилаяпти.

Шаҳар партия кенгаши бу борада қатор ишларни амалга оширмоқда. Фуқаролик маърифати тизимида ўтказилаётган сиёсий ўқувлар, маҳалла, меҳнат жамоаларида, партия электорати вакиллари билан суҳбатлар шу мавзуга бағишланмоқда. Бунда, айниқса, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган 19 нафар депутатнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Биз партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси ҳамда вақти-вақти билан ташкил этилаётган кўчма қабуллар орқали аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришга эришдик. Фуқароларнинг ариза ва мурожаатларида кўтарилаётган масалаларни ижобий ҳал этишда депутатлик гуруҳи, фаолларни кенг жалб қилдик. Натижада партиямизга ишонч мустаҳкамланиб, тарафдорларимиз кўпайди.

Конференцияда сўзга чиққанлар «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилиниши партиявий фаолиятни кучайтириш учун янги ҳуқуқий майдонни вужудга келтиргани ва бундай имкониятдан самарали фойдаланиш талаб этилаётгани ҳақида фикр юритдилар.

— Сиёсий партиянинг пировард мақсади бошқа сиёсий партиялар билан ҳокимият учун курашда ютиб чиқишдир, — деди конференция делегати Мурувват Салимова. — Шундай экан, биз халқ орасида партиямиз Дастурида белгиланган, партия учун муҳим саналган вазифаларни бажаришда барча қонуний воситалардан фойдаланишимиз, бу борада ҳамма имкониятларимизни ишга солишимиз зарур.

— Мен 16 йиллик партия аъзоси сифатида ХДПнинг аҳоли ўртасидаги нуфузини янада ошириш борасида ўз таклифларимни айтмоқчиман, — деди Юнусали Исмоилов. — Биринчидан, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва айрим кишиларни боқимандалик кайфиятидан чиқаришда маҳалла фуқаролар йиғинларига тарғибот ишида яқиндан кўмаклашиш мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, ХДПга янги аъзолар қабул қилиш ва уларга аъзолик гувоҳномалари топшириш ҳар доим тантанали суратда ўтказилса, дейман.

Конференцияда шу каби барча таклиф ва мулоҳазалар асосида партия ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Делегатлар шаҳар партия ташкилотининг ўтган беш йиллик фаолиятини қониқарли деб баҳолашди. Марғилон шаҳар партия кенгаши янги таркиби шакллантирилди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◇◇◇

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий шаҳар ташкилотининг конференцияси Президентимизнинг XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин, — деган пурмаъно фикри таъсири остида ўтди.

Делегатлар Навоий шаҳар ташкилотининг беш йиллик фаолиятини муҳокама қилдилар. Шаҳар партия кенгаши раиси Лола Собирова партия мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича олиб борилган ишларга тўхталди.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг сиёсий онгини юксалтириш ва сиёсий жараёнлардаги фаоллигини кучайтириш, ўз мустақил фикрларига эга бўлишлари учун партиянинг ўрни беқиёслигини таъкидлади. Кишиларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар — электорат вакилларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби қатор ишларни янада кучайтириш, бу жараёнда бошланғич ташкилотлар, депутатлик гуруҳининг иштирокини фаоллаштириш зарурлиги ҳақида фикр юритди.

Ўзбекистон ХДПнинг халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи фаолияти тўғрисида унинг раҳбари Исмоил Ортиқов батафсил тўхталди.

— Юртбошимизнинг халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши навбатдан ташқари сессиясида депутатлик гуруҳлари шаънига айтган танқидий фикрлари жуда тўғри. Ташаббуссизлик, сусткашлик, сессияларда ижтимоий масалаларни кўтариш тўғрисида аниқ таклифлар билан чиқмаслик каби камчиликлар бизда ҳам бор Биз партиядан сайланган депутатлар фаолиятимиз самарадорлигига жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Ўшандагина жамиятнинг сиёсий ҳаётида юксалиш бўлади, шундагина биз кўзлаган мақсадларимизга эришамиз, — деди у.

Конференциядан сўнг шаҳар партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар кенгаши раиси этиб Л.Собирова қайта сайланди.

**Шалола ШОКИРОВА**

## Муҳим масала

*Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси раиси Баҳодир АБДУҚАЮМОВ суҳбатимиз бошида қизиқарли бир тажриба ўтказишни — менинг истеъмолчи сифатидаги билимларимни текшириб кўришни таклиф қилди. Нима ҳам қиласиз — интервью олишга келган мухбир доим савол беравермайди, гоҳида мана шундай жавоб беришингизга ҳам тўғри келади.*

*— Диққат билан қаранг-чи, мана бу маҳсулотни сотиб олган бўлармидингиз? — раис стол устига бир қути какао кукунини қўйди.*

*Мен пишириқлар учун айнан шу маҳсулотни ишлатаман. Сўнгги марта ўтган ойда худди шундай қадоқланганини сотиб олганман. Ушбу қутичадаги «Щедрая душа» ёзуви энг таниқли савдо белгиларидан бирини англатиб турибди.*

*Баҳодир Абдуқаюмов ҳар бир харидор эътибор қаратиши лозим бўлган қуйидагиларга диққат қилишимни сўрайди. Энг аввало, қутичадаги ранглар, ёзувлар хира. Какао қоғоз халтачага солиниб, кейин қутига жойланган. Халтача эса оддий, сарғиш қоғоздан қилинган.*

*— Озиқ-овқат маҳсулотлари фақат махсус қоғозларга қадоқланиши шарт, — уқтиради у. — Мана бундай қоғозлар ишлатилганда эса саломатлигимиз хавф остида қолиши мумкин.*

*Энг қизиғи бошқа ёқда: ишлаб чиқарувчи — «Нестле» компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси ходимлари маълумотига қараганда, юқоридаги маҳсулотни тайёрлаб савдога чиқариш 2004 йил тўхтатилган экан. Қўлимиздаги маҳсулот қутисига эса 2008 йил октябрь ойида ишлаб чиқарилгани, бир йил муддатга яроқли экани ёзиб қўйилган.*

*Ваколатхона мурожаатидан сўнг пойтахт бозорлари ва савдо нуқталари ўрганилди. Юқоридаги сохта «какао» жуда кўп жойларда сотилаётгани, уларнинг тарқалиш манбаи аниқланди — «Қарвон бозори» улгуржи бозори. Маҳсулот мамлакатимизга қўшни давлатлардан контрабанда йўли билан кириб келган.*

*«Экми-колор» қўшма корхонаси мутасаддилари бозорларда уларнинг савдо белгиси остида сифатсиз маҳсулотлар пайдо бўлаётгани, бу эса корхона обрў-эътиборини пасайтириши мумкинлиги*

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ

## *ижтимоий муҳофазанинг бир туридир*

*ҳақида ташвиш билан хабар қилдилар. Ҳудудий бирлашма вакиллари билан ҳамкорликда мониторинг ўтказилганда эса қўлбола маҳсулотлар ҳақиқатан сотилаётгани аниқланди.*

*— Бирлашмамиз иш фаолияти фақат истеъмолчилар томонидан қилинган мурожаат, ариза, шикоятларни ўрганишдангина иборат эмас, — дейди суҳбатдошим. — Бозорларимизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш учун мониторинглар, таҳлиллар ўтказиб турамиз. Натижа ва хулосалар тегишли ҳуқуқ тартибот ҳамда назорат идоралари диққатига ҳавола этилади.*

*«Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори бу борада етарлича ҳуқуқий база яратилганини кўрсатиб турибди. Шунингдек, кейинги йилларда яна бир қатор ишлар қилинди.»*

*Аммо, энг аввало истеъмолчи ўзи учун яратиб қўйилган ҳуқуқий асослардан тўла-тўкис хабардор бўлиши, фойдаланишни билмоғи лозим.*

*— Кечаги истеъмолчи билан бугунгисининг ўртасида катта фарқ бор, — дейди Баҳодир Абдуқаюмов ва ўз фикрини далиллаб беради.*

*Биргина ҳудудий бирлашманинг ўзига шу йилнинг биринчи чорагида 151 нафар фуқаро мурожаат қилган. Улардан 60 киши коммунал хизмат сифати, 48 нафари савдо, 5 нафари соғлиқни сақлаш, шунингдек, бошқа соҳалар хизматига эътироз билдиришган.*

*Яккасаройлик М.Мирсоатова «Лавандерия» кимёвий тозалаш шохобчасига топширган қишки кийимига тозалаш жараёнида путур етганини кўриб, айбдорлардан за-*




*рарни қоплашини сўрайди. Унинг ўринли талаби жавобсиз қолди. Ҳудудий бирлашма мутахассисининг аралашуви, масалани ўрганиши ва асосли хулосалар тақдимидан кейин аёлга етказилган 1 000 000 сўм зарар ундириб берилди.*

*Юнусободлик К.Исаев 4,5 миллион сўмга сотиб олган «АКФА» дераза ромлари ва эшиклар сифатидан норози бўлиб, ҳудудий бирлашмага мурожаат қилди. Нуқсонли маҳсулотлар сотувчи — хусусий тадбиркор К.Пак ҳисобидан таъмирлаб берилди.*

*Мирзо Улуғбек туманида яшовчи С.Володина Навоий кўчасида жойлашган «Эркин ҳожи ота» дўконидан 565 минг сўмга совуткич сотиб олган. Лекин мазкур буюм ишлатиб кўрилганда унинг сифатсизлиги билиниб қолади. Шундан сўнг бирлашма ходимлари ёрдамида совуткичнинг амалдаги нархи — 780 минг сўм истеъмолчига ундириб берилди.*

*Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бирлашма ходимлари иш жараёнида турфа ҳолатларга дуч келадилар: айримлар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчига мурожаат қилмай тўғридан-тўғри бирлашмага арз қилишади. Бундай ҳолларда кўпинча масала биттагина телефон қўнғироғи билан ҳал бўлади. «Ўзимизга бир оғиз айтса, муаммо бўлмасди», — дейди тушунган, қонун-қоидани ҳурмат қиладиган тадбиркор. Қонуний эътирозига рад жавобини олган истеъмолчи эса шикоят қилади, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бирлашма ходимлари анча меҳнат қилишига тўғри келади.*

*Камдан-кам учраса-да, қуйидагича ҳолатлар ҳам содир бўлиб туради: тадбиркор бирлашма ходимлари аралашуви, исбот талаб қилмайдиган далиллардан сўнг ҳам истеъмолчи ҳуқуқини топтаб, «Қаерга борсанг, боравер», қабилида тутади ўзини.*

*Чилонзор туманидан Эмина Ғаффорова Навоий кўчасидаги «LG» хусусий дўконидан 900 АҚШ долларига телевизор сотиб олади. Телевизорнинг нуқсонли экани маълум бўлади. Аммо, ноқонуний равишда чет эл валютасида савдо қилган, харид учун ҳатто чек бермаган Т.Муллахонов на истеъмолчининг, на ҳудудий бирлашма ходимларининг ўринли талабини бажаради. Шундай ҳолларда жамиятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги ўз самарасини берди — Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармасига хат билан чиқилди. Биргаликдаги ҳаракатлардан сўнг истеъмолчининг ҳақли талаби бекаму кўст қондирилди.*

*— Сирасини айтганда Навоий кўчасида жойлашган савдо маркази ҳар бир шохобчасида ходимларимизни яхши танишади, — дейди Баҳодир Абдуқаюмов. — Истеъмолчи билан биргаликда тадбиркорнинг ҳуқуқий билимларини ҳам оширишимиз керак. Контрабанда, сохта, сифатсиз молларнинг ноқонуний савдоси нафақат истеъмолчи, балки уларнинг ҳам манфаатларига путур етказишини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.*

*«Корхона-ташкилотлардаги учрашувлар, суҳбат, семинарлар натижаси ўлароқ ҳозир ҳудудий бирлашмада **12** мингдан ошиқ жамият аъзоси ҳисобда туради.»*

*Мактаб ўқувчилари, коллеж, лицей ва олий ўқув юрти талабалари ҳам эътибордан четда эмас. Улар орасида ҳар йили ўтказиладиган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танлови ёшларнинг севимли тадбирига ва уларда истеъмолчи ҳуқуқини болаликдан шакллантиришнинг бир воситасига айланиб улгурган.*

*— Йилнинг биринчи чорагида бизга мурожаат қилган истеъмолчиларга 48 миллион сўмлик маҳсулот ва товарлар, хизматларни янгисига алмаштириш, таъмирлаш, сифатини яхшилаш, кўрилган зарарни қоплаш ишларида кўмаклашдик, — дейди Баҳодир Абдуқаюмов. — Бу маҳсулотлар ичида арзимас пул турадиган кундалик эҳтиёж молларидан тортиб, нархи бир неча миллион сўмлик маиший электр асбоблар ҳам бор. Истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоялашни ижтимоий муҳофазанинг бир тури деб биламан. Ахир, баъзилар қимматбаҳо молларни сотиб олиш учун ойлаб, йиллаб пул жамғаради. Бундай кишилар сифатсиз маҳсулот туфайли оила бюджетига етказилган зарардан азият чекишлари табиий...*

*Дарвоқе, суҳбатдошим фурсатдан фойдаланиб, барча истеъмолчи билиши зарур бўлган энг оддий қоидаларни ўқувчиларимизга эслатиб қўйишни илтимос қилди:*

*— Харидингиз чекини олишни ҳеч қачон канда қилманг. Лозим бўлиб қолган тақдирда у ҳуқуқингизни ҳимоя қилишдаги асосий ҳужжатдир;*

*— Маҳсулот сифатига шубҳа қилсангиз сифат сертификатини суриштиришдан тортинманг — бу сизнинг ҳуқуқингиз;*

*— Ишлаб чиқарувчи номи ва манзили, ишлаб чиқариш санаси, яроқлилик муддати кўрсатилмаган озиқ-овқат маҳсулотларини умуман харид қилманг. Бундай маҳсулотларнинг арзонлигига учманг, соғлиғингиз билан товон тўлашингиз мумкин;*

*— Сифатсиз, контрабанда озиқ-овқат маҳсулотлари кўпинча бозорларда, кўп қаватли уйлар орасидаги кичкина дўконларда сотилади. Ишонарли, барқарор савдо шохобчасидан харид қилишга одатланинг;*

*— Юқори нарх маҳсулот сифатига ҳамиша ҳам кафолат бермайди.*

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Истеъмолчи ҳуқуқи, қолаверса, бурчи ҳақида яна нималарни билишни истайсиз? Истеъмолчи сифатида бирор-бир муаммога дуч келганингизда кимга, қаерга мурожаат қилишни биласизми?*** **!**

*Мурожаат учун телефон: 276-90-46.*

Орамиздаги одамлар

# «САЛОМАТ БЎЛИНГ, БИРОДАР...»

## *бу иборани жиззахлик олий тоифали шифокор Асатилла Мухторов ҳаммага айтади*

Қирқ йилдан бери шифокор деган шарафли номни ардоқлаб келаётган Асатилла акани жиззахликлар нафақат ўз касбининг билимдони, балки дилкаш, одамохун инсон, ажойиб оила бошлиғи сифатида ҳам ҳурмат қилади.

— Ота-боболаримнинг ҳам табибликдан хабари бўлган, — дейди у киши. Мутахассислик дипломига эга бўлгач, аввал Жиззах тумани, кейин вилоят шифохонасида ишладим, тажриба орттирдим. Бу осон кечмади, аммо қунт билан изландим. 1997 йилдан буён Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг томоқ, қулоқ, бурун касалликлари бўлимида ишлаб келаяпман.

Айтишга осон, қирқ йил бир йигитнинг ёши. Асатилла ака оддий врачликдан ўз касбининг устаси, олий тоифали шифокор даражасигача бўлган умр йўлини босиб ўтди. Тинимсиз меҳнат, ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш билан кечган йиллар унга обрў-эътибор, ҳурмат-иззат олиб келди. Юзлаб, минглаб беморларнинг дардига малҳам бўлди, одамларнинг дуосини олди.

— Бундан 20-25 йил илгариги тиббиёт билан ҳозирги талаб, савия ўртасида, осмон билан ерча фарқ бор, — дейди Асатилла ака — Соғлиқни сақлаш тизимидаги янгиликлар, ўзгаришларни айтиб тугатиш қийин. Мустақиллик йилларида бу соҳада, айниқса, катти ислоҳотлар олиб борилди. Айни пайтда халқимиз жаҳон андазаларига мос тиббий хизматдан баҳраманд бўлишаяпти. Тизимдаги малакали шифокорлар, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, яратилган шарт-шароит, кўрсатилаётган хизматлар тиббий тури хорижникидан асло қолишмайди. Жўрақул Мансуров, Абдувоси Аллаёров, Шавкат Бобоев сингари кўпдан-кўп шогирдларим, умидли ёш шифокорлар билан суҳбатлашганда кўпроқ шу ҳақда гапираман. Улардаги касбга садоқат, ҳалоллик, одамийлик, илмга чанқоқлик каби фазилатларни кўриб кўнглим кўтарилади.

Шунинг учун ҳам у билим ва тажрибасини қунт билан ёшларга ўргатади. Кўплар уни устоз дея эъзозлашади, ҳурматини жойига қўйишади. Беморлар эса қўли енгил шифокорга кўринишга, ундан дардига даво топишга шошиладилар.

— Филиалимизда шифокор деган муқаддас касбни улуғлаб келаётган тиббиётимиз фидойилари кўп, — дейди филиал директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мухтор Эшбеков. — Асатилла ака уларнинг бири. Тўғриси, у кишидан фидойиликни, жонкуярликни, беморнинг дардига малҳам бўлишни ўргансак арзийди. У кўришган кишисига салом-аликдан сўнг (у беморми-соғми барибир) «Саломат бўлинг, биродар» дейишни канда қилмайди.

Асатилла ака муаллима Қўйсиной опа билан биргаликда аклли, одобли уч нафар ўғил-қизни тарбиялаб ўстиришаяпти. Фарзандларининг каттаси Жавоҳир Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг магистранти, Гулруҳ Тошкент давлат тиббиёт академиясининг олтинчи босқич талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори. Жавлон эса коллеж битирувчиси. Улар ҳаётда ўз ўринларини топишни, эл корига ярашни, аввало, оилада ота-оналаридан ўрганишмоқда.

— Асатилла акадан жуда кўп нарсаларни, яхши хислату фазилатларни ўргандим, — дейди шаҳар болалар поликлиникаси шифокори Абдураззоқ Мамазиёев. — Устознинг беморлар билан муомаласи, суҳбатларини кузатганман. Халқ табобати дурдоналари билан замонавий тиббиётни уйғунлаштириб иш кўради. Натижада Асатилла аканинг қабулида бўлган беморда дардни енгишга ишонч пайдо бўлади. Устознинг таъкидлашича, беморнинг соғайишига ишонч ҳосил қилиши тиббиётда, даволашда жуда муҳим.

Жиззах шаҳрининг Қулама маҳалласидаги мўъжазгина файзли хонадонда Мухторовлар оиласи истиқомат қилади. Ҳовли турфа хил дов-дарахтлар, анвойи гуллар билан безанган. Хонадонга кўпчиликнинг ҳаваси келади. Бу, бежиз эмас. Асатилла ака сингари бундай инсонлар ишдан сўнг уй-жойимни ораста қилай деб асло тиниб-тинчимайди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



*Суратда: олий тоифали шифокор Асатилла Мухторов иш пайтида.*

***Доногул Жўраева олган сурат.***

Диққат: янги рукн!

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ АТАМАЛАРИНИНГ ИЗОҲИ

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати ҳисобланган аҳоли қатлами манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш мақсадида газетамизда юқоридаги ном остида янги рукн ташкил қилинди.*

**ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КАФОЛАТЛАРИ** — Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди.

**ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ОЛИШ ҲУҚУҚИ** — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

**ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИДА ИШТИРОК ЭТИШ** — Иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

**ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИ МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ** — жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия пенсия ҳисоб варақларида маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

— жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;
— жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;
— шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;
— қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

**«Ижтимоий ҳимоя» атамалар изоҳли луғати китобидан олинди.**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
13339 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 01.00
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda

# ГУЛИСТОН ЯНА ҲАМ ОБОД БЎЛАДИ

***Гулистон шаҳри мустақиллик йилларида янада ободонлашиб, «Мирзачўл гавҳари» дея номлана бошланди. Биргина ичимлик сув таъминотини яхшилашга 6 миллион доллардан ошиқ маблағ сарфланиб, 20 километрга яқин магистрал сув тармоқлари таъмирланди.***

«Умид ниҳоллари»га мезбонлик қилган шаҳар қиёфаси янада кўркамлашиб, жонажон Ватанимизнинг сўлим гўшаларидан бирига айланди. Эндиги вазифа — ана шу гўзалликни асраб-авайлаш, гулзорларни, кўкаламзор хиёбонларни янада кўпайтириш, энг муҳими шаҳарни тоза, озода сақлашдан иборат.

Мана шундай эзгу мақсадлар билан яшаётган гулистонликлар ҳар куни эрта тонгдан ишга киришадилар. Ўттизга яқин транспорт воситаси, юклаш техникаси шаҳар кўчалари ёқасидаги чиқинди контейнерларини тозалайди. Бу юмушларни янада тезроқ ва сифатли бажариш учун шаҳар коммунал хўжалигига яна 3 та замонавий чиқинди ташиш машинаси ва битта юклатгич ажратилди.

**Мунаввар ПАРДАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



БЎЛАЖАК РАССОМ

# ТЕРМИЗДА ЖАЛА ЁҒДИ

Биласизки, Термиз шаҳри Ватанимизнинг жанубида жойлашган. Ёзи иссиқ. Саратонда қумда тухум пиширса бўлади.

Бу йил ҳам баҳор фаслидаёқ ҳаво исиб кетди. Гилос ва ўрик эрта пишиб етилди. Олма ва узум ҳам дастурхонларга файз-барака киритди.

Одамлар соя-салқин жой излаб қолишган. Аммо яқинда ҳаво бирдан айниди. Довул туриб, осмонни қоп-қора булут қоплади. Ва жала ёға бошлади.

«Ё, тавба, жала ёғаяптими?!» ҳайрон бўлдик. «Ҳозир ўтиб кетар...».

Жала эса баттар кучаярди. Бир пастда тарновлардан шариллаб сув оқа бошлади. Бу ҳол бир неча ўн дақиқа давом этди.

— Шу ёшга кириб ёзда Термизда жала ёққанини эслай олмайман, — дейди етмиш ёшли Эшбой Комилов. — Ўзи кейинги йилларда табиатнинг ҳар хил кутилмаган синовларига гувоҳ бўлаяпмиз.

Термизда эртаси куни қуёш чарақлаб чиқиб кетди.

**Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

XALQ BANKI
Uz-TO'LOV
milliy to`lov tizimi
MABLAG`LARNI BOSHQARISH
TEZKOR PUL O`TKAZISH
MOBIL BANK
INTERNET
KOMMUNAL TO`LOVLAR
UYALI TELEFONI TO`LOVLARI
UY TELEFON TO`LOVLARI

Бундан ташқари, Сиз Республика бўйлаб миллий валюта — сўмдаги ўтказмаларни жўнатиш ва банклардаги ҳисоб рақамларингизни бошқариш имконига эгасиз.

«Uz-to`lov» тизими хизматидан фойдаланиш жуда осон! Сиз унга Интернет, тўлов терминали, инфокиосклар, Халқ банки ва бошқа тижорат банклари бўлимлари ҳамда тўлов тизими шохобчалари орқали кира оласиз.

Тўлов нақд пулда ёки пластик картлар билан, шунингдек, тижорат банклардаги депозит ҳисобварақингиздан амалга оширилиши мумкин.

«UZ-TO`LOV» — ВАҚТДАН ЮТИШ, НАҚДДАН ЮТИШ ДЕМАК!

«ХАЛҚ БАНКИ» — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Хизматлар лицензияланган
2003 йил 25 январдаги 25-сонли лицензия

Спорт

# АВСТРАЛИЯ, ЯПОНИЯ, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

## футболчилари муддатидан илгари жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритишди

**Ф**утбол бўйича келаси йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати Осиё минтақаси саралаш учрашувлари ҳал қилувчи паллага кирди. Мусобақанинг «А» гуруҳи баҳсларида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси охирги турда ўз майдонида Япония футболчилари билан баҳслашди. Агар ушбу ўйинда ҳамюртларимиз ғалаба қозонишганида амалда мундиал йўлланмаси учун курашиш имкониятини сақлаб қоларди.

Аммо қитъамизнинг етакчи терма жамоаларидан саналган япониялик футболчилар кичик (0:1) фарқ билан зафар қучиб, мухлисларимиз умидларини пучга чиқаришди. Бу ғалаба эса кунчиқар юрт вакилларига муддатидан илгари жаҳон чемпионати йўлланмасини тақдим этди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда сафарда Қатар терма жамоаси билан (0:0) дуранг ўйнаган австралияликлар ҳам ўз ҳисобларидаги очколар сонини 14 тага етказиб, ЖАРга бориш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Энди 10 июнь куни бўладиган навбатдаги тур баҳсларида Австралия — Баҳрайн, Япония — Қатар терма жамоалари ўзаро куч синашадилар. Гуруҳдаги сўнгги тур ўйинлари 17 июнда бўлиб ўтади. Шу куни Баҳрайн — Ўзбекистон, Австралия — Япония терма жамоалари баҳс юритишади. Кўриниб турибдики, Миржалол Қосимов шогирдлари ҳали назарий жиҳатдан жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашни давом эттириш имкониятини сақлаб қолишган.

Осиё минтақаси саралаш босқичи «В» гуруҳининг навбатдаги турида эса қуйидаги натижалар қайд қилинди: Бирлашган Араб Амирликлари — Жанубий Корея — 0:2, КХДР — Эрон — 0:0.

**Эркин ХОЛБОБО.**

**«А» гуруҳи**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Австралия | 6 | 4 | 2 | 0 | 8-0 | 14 |
| 2. Япония | 6 | 4 | 2 | 0 | 9-3 | 14 |
| 3. Баҳрайн | 6 | 2 | 1 | 3 | 5-6 | 7 |
| 4. Қатар | 7 | 1 | 2 | 4 | 4-13 | 5 |
| 5. Ўзбекистон | 7 | 1 | 1 | 5 | 5-9 | 4 |



**«В» гуруҳи**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Жанубий Корея | 6 | 4 | 2 | 0 | 11-3 | 14 |
| 2. КХДР | 7 | 3 | 2 | 2 | 7-5 | 11 |
| 3. С. Арабистони | 6 | 3 | 1 | 2 | 8-8 | 10 |
| 4. Эрон | 6 | 1 | 4 | 1 | 6-6 | 7 |
| 5. БАА | 7 | 0 | 1 | 6 | 6-16 | 1 |

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аппарати жамоаси Марказий Кенгаш ишлар бошқарувчиси Фозил Ҳамроевга онаси

**Саломат аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Ликвидационная комиссия ДП «Самнефтегазтранс» сообщает, что утерянное свидетельство о государственной регистрации юридических лиц ДП «Самнефтегазтранс» считать недействительным.